


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 6 июль, № 132 (6826) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, соҳадаги вазият ва амалга оширилган тадбирлар таҳлили ёшларнинг кенг қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар, айниқса, уюшмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаганидан далолат бермоқда.

Жойларда, авваламбор, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этишда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракатга айлана олмаганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Шу сабабли, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуни бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифаларни белгилаб берганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида ҳамда бу борада кенг жамоатчилик, аввало, ёшлар вакилларининг таклиф ва мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда:

1. Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 2017 йил 30 июнь куни бўлиб ўтган IV қурултойи қарорига мувофиқ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун — 30 июнь санаси мамлакатимизда **"Ёшлар куни",** деб эълон қилинсин.

3. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилансин:

**биринчидан,** Ўзбекистон ёшлар иттифоқини республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, **"Ёшлар — келажак бунёдкори"** шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айлантириш;

**иккинчидан,** ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш, турли мафкуравий таҳдидлардан асраш;

**учинчидан,** демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга ташаббускор, шижоатли, эл-юрт манфаати йўлида бор куч-ғайрати, билим ва салоҳиятини сафарбар қиладиган, мамлакат истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёшлар сафини кенгайтириш;

**тўртинчидан,** ёшларнинг замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ташаббусларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришига кўмаклашиш;

**бешинчидан,** ёшларнинг илмий ва бадиий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, "оммавий маданият" ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш;

**олтинчидан,** ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва оила муқаддаслиги ғояларини кенг тарғиб қилиш, эрта турмуш қуриш ва ёш оилалар ажралишининг олдини олишга қаратилган самарали тадбирларни амалга ошириш;

**еттинчидан,** ёшларни, айниқса, улар уюшмаган қисмининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга, ижодий тўгараклар ва турли, жумладан, хорижий тилларни ўргатиш ўқув курсларига кенг жалб этиш;

**саккизинчидан,** ёш оилалар, хусусан, имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитлар яратишга қаратилган мақсадли ишларни ташкил этиш;

**тўққизинчидан,** ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш ишларида фаол иштирок этиш;

**ўнинчидан,** мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этадиган, халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қиладиган билимли, ташаббускор, ишбилармон, ҳалол ва фидойи ёш раҳбар кадрларни тарбиялаш, захирасини яратиш ва уларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг масъул лавозимларига тавсия этиш;

**ўн биринчидан,** ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

**ўн иккинчидан,** давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ёшларга оид фаолиятни ташкил этишда ғоявий-услубий жиҳатдан кўмак бериш.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ташкил этиш, натижаси бўйича таъсирчан чоралар кўриш.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш хизматининг ёшлар сиёсатини амалга ошириш соҳасида давлат ва жамоат ташкилотларини мувофиқлаштириш шуъбаси негизида **Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ёшлар сиёсати масалалари хизмати** ташкил этилсин.

Хизматнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши фаолиятини самарали ташкил этиш;

(Давоми 2-бетда).

2017 ЙИЛ — ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

## Ўзбекистон фуқаролари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш — бош мақсад

*Ўзбекистон ўз фуқароларининг, улар қаерда бўлишмасин, манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Шу масала Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиловнинг хориждаги ватандошлар билан тўғридан-тўғри мулоқотининг асосий мазмуни бўлди, десак, муболаға эмас.*

Халқаро пресс-клубда ташкил этилган мулоқотда мутасадди вазирлик ҳамда идоралар, мамлакатимизнинг хориждаги 50 га яқин дипломатик ваколатхоналари вакиллари онлайн режимида фуқароларимиздан келиб тушган саволларга жавоб қайтариш билан бирга, уларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал қилишни назоратга олишди.

Қайд этилганидек, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида чет элда фуқароларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш Ташқи ишлар вазирлигининг устувор вазифаси ҳисобланади. Вазирликка ўтган йилнинг октябрь ойидан то бугунги кунгача бўлган даврда жисмоний ва юридик шахслардан 6,5 мингдан зиёд аризалар келиб тушган. Улардан 3 мингга яқини Президентнинг виртуал қабулхонасига, қарийб 3,5 мингтаси ташқи ишлар вазирининг виртуал қабулхонасига, Ягона интерфаол хизматлар портали, вазирликнинг фейсбук тармоғидаги расмий саҳифаси ҳамда электрон почта орқали келган.

Мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатаяптики, фуқароларимиз шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар йўқолган ҳолатларда Ватанга қайтиш гувоҳномасини расмийлаштириш, эски намунадаги ёки ҳақиқийлик муддати ўтиб кетган паспортларни янги биометрик паспортга алмаштириш, чет элда вафот этган туғишганлари ва яқин қариндошларининг ўлим сабабларини аниқлаш, хорижий давлатлар ҳудудларида Ўзбекистон фуқароларига нисбатан қўзғатилган жиноий ишларнинг холис олиб борилишини таъминлашда ёрдам кўрсатиш, алимент ҳамда нафақалар олиниши, шартнома мажбуриятлари бажарилиши каби масалаларда кўмаклашиш бўйича мурожаатлар қилишган.

(Давоми 3-бетда).

ҚАРОР ВА ИЖРО

*Тўқимачилик ва енгил саноат тармоқларига инновацион технологияларни изчил татбиқ этиш ҳисобига тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини мунтасил равишда кўпайтиришга устувор аҳамият қаратилаяпти. Бундан кўзланган асосий мақсад заминимизда етиштирилган пахта хом ашёсини ўзимизда тўлиқ қайта ишлашга эришишдир.*

## Инновацион технологиялар

### тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш имконини беради

Маълумотларга қараганда, 1991 йилда республикамизда тайёрланган пахта толасининг атиги 7 фоизи маҳаллий корхоналарда қайта ишланган бўлса, ҳозирги кунга келиб, бу кўрсаткич 53 фоизга етказилди. Ушбу натижага эришилишида истиқлол йилларида соҳага 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилиб, 300 дан ортиқ йирик лойиҳалар амалга оширилгани муҳим омил бўлди.

(Давоми 3-бетда).

## ОЛИЙ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТЕСТ СИНОВЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ



АБИТУРИЕНТ – 2017

Кеча Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги олий ҳарбий таълим муассасаларида давлат тест синовлари бўлиб ўтди. Хусусан, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида саралаш босқичларини муваффақиятли топширган 746 абитуриент ўз билимини синаб кўрди.

Мазкур билим юртида қатор мутахассислик бўйича юқори малакали офицер кадрлар тайёрланади. Табиийки, шу талабларга ҳар жиҳатдан жавоб бера оладиган ёшларгина ўқиш бахтига мушарраф бўлади. Бинобарин, бу ерда барча шароит ва қулайликлар яратилган. Жумладан, замонавий ўқув хоналари, спорт мажмуалари, илғор АКТ ютуқларидан кенг фойдаланган ҳолда, ўқув жараёнига таълимнинг инновацион усуллари жорий этилган.

(Давоми 3-бетда).

## «Ал-Қомус» — луғатшуносликда янги саҳифа

*Бугун юртимизда амалга оширилаётган хайрли тадбирлар, ислоҳотлар, ижобий ўзгаришлар кўлами кенг. Бундай эзгу саъй-ҳаракатлар қаторида диний-маърифий, илмий-ижодий соҳадаги буюк, тарихий қадамларни ёдга олиш ҳам ўринлидир.*

ҚАДРИЯТ

Жумладан, Бухоро вилоятида Мир Араб олий мадрасаси, Термиз шаҳрида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказининг очилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Маълумки, мамлакатимизда ислом дини асрлар мобайнида чуқур ўрганилиб, тадқиқ ва таълиф этилиб ривожлантирилган, бутун мусулмон оламининг эътирофу олқишига сазовор бўлган. Аллома аждодларимиз қолдирган кўпгина илмий асарлар ҳам араб тилида битилган. Қолаверса, муқаддас Қуръони карим, муборак Ҳадиси шарифлар мазкур тилда бўлгани боис халқимиз томонидан алоҳида эъзозланган.

(Давоми 3-бетда).

## Парламент аъзолари аралашуви билан муаммолар ҳал бўлди

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари жойлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиш мақсадида мамлакатимиз минтақалари бўйлаб яна ишга киришдилар. Айни пайтда бундай тадбирлар Норин туманида ҳам давом этмоқда.*

ДЕПУТАТЛАР — ТУМАНЛАРДА

Хусусан, парламент аъзолари Ҳаққулобод шаҳри ҳамда қишлоқларга ташриф буюриб, уч юзга яқин хонадон вакиллари билан учрашув ва мулоқотлар ўтказди. Шу асосда одамларни ўйлантириб келаётган муаммолар ўрганилаяпти. Эътиборлиси, уларни жойида ҳамда қисқа муддатда ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Хўжаобод маҳалласидаги хонадонларга ташриф чоғида олтмиш ёшли М. Мадмусаева ўз муаммосини билдирди. Ҳозирги пайтда якка-ёлғиз яшаётган онахон ўзига қараб туриш учун жияни Г. Носирова ва унинг турмуш ўртоғини уйига таклиф этганлигини, аммо ана шу қариндошларини рўйхатга олиш жараёни ҳал бўлмаётганлигини айтди. Ишчи гуруҳи аъзолари таклифи билан муаммо ечимига ҳудуд профилактика инспектори, катта лейтенант Боймирза Матисоқов жалб қилинди. У ички ишлар бўлими мутахассислари билан биргаликда мазкур масалани ҳал этишни ўз зиммасига олди.

Шу маҳаллада яшовчи Зулфия Бердиқулова эса мутахассислиги бўйича ишга жойлаша олмаётган экан. Аён бўлишича, ўрта махсус маълумотга эга бу аёл ўн саккиз йил ҳудуддаги мактабгача таълим муассасасида ишлаган, бироқ фарзанд тарбияси таътилидан сўнг иш жойига қайта олмаган. Ушбу муаммо юзасидан туман халқ таълими муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва методик таъминлаш бўлими раҳбарларидан жавоб талаб қилинди.

(Давоми 3-бетда).

## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ РАҚАМЛАРДА

***Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ, жорий йилда ҳўл мева ҳамда қайта ишланган маҳсулотларни сақлаш ва экспортга жўнатиш мақсадида умумий ҳажми***

**132,2 минг** тонналик **184 та** музлаткичли омбор ташкил этилади ҳамда **1,4 минг** тонналик **4 та** ана шундай иншоот модернизация қилинади. Натижада музлаткичли омборларнинг умумий ҳажми **632 минг** тоннага етказилади ва **1000 та** янги иш ўрни яратилади.

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунида белгиланган вазифаларнинг тўлақонли ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасидаги фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш, уларга ғоявий-услубий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш;

ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш мақсадида тизимли ўрганиш ва таҳлиллар асосида соҳага оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ташкилий-кадрлар хизмати бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ёшлар сиёсати масалалари хизмати фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин.

5. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ёшлар сиёсати масалалари хизматига **Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси** раҳбарлик қилади;

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўз лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси ҳисобланади.**

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати, Ёшлар сиёсати масалалари хизмати Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин.

7. **Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.**

Идоралараро кенгашнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига юклатилган вазифаларни амалга оширишда яқиндан кўмаклашиш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни талабларини ҳаётга тўлақонли жорий этиш ва бу борада таъсирчан назорат ўрнатиш.

8. **Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари раислигида Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идоралараро кенгашлар тузилсин.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши тўғрисидаги низомни ҳамда Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идоралараро кенгашлар тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқласин.

9. Буюк давлат арбоби ва саркарда соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлиб хизмат қилишини инобатга олган ҳолда, республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига **“Темурбеклар мактаби”** номи берилсин.

10. Ёшларнинг илмий ва ижодий фаолияти натижаларини, илм-фан ва адабиётга бўлган қизиқишларини ҳамда ёшлар сиёсатига оид муҳим янгиликларни кенг ёритиш мақсадида:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг “Туркистон” ва “Молодёжь Узбекистана” газеталари, “Ёш куч” журнали ҳамда бошқа ёшлар нашрларини чоп этишга ихтисослашган **“Ёшлар нашриёти уйи”** ташкил қилинсин;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши Республика Хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда **“Қизларжон”** журналини таъсис этсин.

11. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда:

“Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” шиори остида “Мен севиб ўқиган китоб” ва “Энг яхши китобхон” республика танловларини, “Китоб байрами” ва “Болалар китоблари” анъанавий республика фестивалларини;

“Биз Ватанга таянчмиз”, “Бизнинг энг катта таянчимиз ва суянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз ёшлар” шиорлари остидаги акцияларни;

“Адабиёт ва санъат — шахс маънавиятини бойитиш ва юксалтириш омили” мавзусида ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, адабиётшунос олимлар иштирокидаги учрашувларни;

республиканинг чекка ҳудудларида халқ рассомлари, халқ усталари билан болалар, ёшлар ва уларнинг ота-оналари учун “Бунёдкор халқим билан мулоқот — ижодим илҳоми” мавзусида мастер-класслар ва ижодий учрашувларни;

“Энг буюк жасорат — маънавий жасоратдир” мавзусида давра суҳбатларини доимий равишда ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

12. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маданият вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда:

Андижон, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар Ёшлар марказлари биноларини қуриш, Бухоро ва Хоразм вилоятлари Ёшлар марказлари бинолари қурилишини тугаллаш ва фойдаланишга топшириш, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари Ёшлар марказлари биноларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича дастур лойиҳасини;

республиканинг барча туман ва шаҳарларида синов тариқасида 11 йиллик мажбурий ўрта таълим тизимининг жорий этилиши муносабати билан бўшайдиган коллежларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тегишли кенгашлари ихтиёрига беғараз ўтказиш, уларнинг негизида барча қулайликларга, жумладан, кутубхона ва китоб дўконига эга бўлган **Ёшлар марказлари ва замонавий ёшлар кинотеатрларини, шунингдек, ёшларни, айниқса, уларнинг уюшмаган қисмини 6 ойгача бўлган муддатда касб-ҳунарга тўловсиз ўқитиш марказларини ташкил этиш дастури** лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг:

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида “катта етакчи” ва “тўгарак раҳбари” штат бирликларини тугатиш ҳисобига лавозим маоши юқори синф ўқитувчисига тенглаштирилган **“ёшлар етакчиси”** штат бирлигини жорий этиш;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида “ёшлар етакчиси” вазифаси юклатилган ходимга ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан олий маълумотли ўқитувчи базавий тариф ставкасининг **50 фоизи миқдорида ҳар ойлик устама** белгилаш;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қошида ёшларнинг хоҳиш ва интилишларидан келиб чиқиб, **ёшлар уюшмалари** ҳамда **ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш марказлари**ни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида **Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти**ни ташкил этиш;

юртимизда турли соҳа ва тармоқларда юксак натижа ва ютуқларга эришаётган йигитларни тақдирлаш мақсадида **“Мард ўғлон”** давлат мукофотини таъсис этиш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ўқиш, меҳнат ва жамоат ишларида ҳар томонлама фаол иштирок этаётган ёшларни тақдирлаш мақсадида **“Келажак бунёдкори”** медалини таъсис этиш;

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб кичик бизнес корхоналари томонидан тўланадиган **ягона солиқ тўлови учун ҳисобланган сумманинг 8 фоизини** Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш;

таълим муассасасини тамомлаганига уч йил бўлмаган, биринчи марта ишга қабул қилинган ёшларга **даромад солиғини биринчи йил учун 50 фоиз, иккинчи ва учинчи йиллар учун эса 25 фоизга камайтириш**;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида турли фанлар, жумладан, чет тилларни ўргатиш, компьютер дастурларини тузиш ва тадбиркорлик асосларини ўқитиш мақсадида ташкил этиладиган **шуъба корхоналарини 2027 йил 1 августга қадар барча солиқлардан озод этиш**, бунда корхона ихтиёрида қоладиган сумманинг 20 фоизини Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ташкилий-кадрлар хизмати манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг янгиланган устави ва тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини киритсин;

**“Мард ўғлон” ва “Келажак бунёдкори” давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси**ни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш бўйича таклиф тайёрласин.

15. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар кенгашлари раислари тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар **ҳокимларининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳисобланади ва мақоми бўйича уларнинг биринчи ўринбосарларига тенглаштирилади**;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиларини сақлаш харажатлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тегишли кенгашлари ҳисобидан қопланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси) бошлиғи **Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси тавсияси** асосида белгиланган тартибда лавозимга тайинланади;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида 3 йил ва ундан кўп муддат давомида фаол ишлаб келаётган ходимларга уй-жой сотиб олиш учун **ипотека кредитининг бошланғич тўлови** Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратура босқичлари талабаларига ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоиз ва ундан юқори бўлган тақдирда таълим бўйича **тўлов контракти миқдорининг 35 фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади**.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда бир ой муддатда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида **2018 — 2021 йилларга мўлжалланган Ёшлар уйларини барпо этиш дастури**ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Ёшлар уйларини барпо этиш дастурида барча йирик шаҳарларда — кўп қаватли, қишлоқ туманларида — 1-2 қаватли намунавий лойиҳалар асосида арзон уйлар ёшларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб қурилиши назарда тутилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раисларини рағбатлантириш мақсадида уларга **“Матиз” ва “Дамас” автомашиналарини харид қилиш учун 10 йил муддатгача мўлжалланган, бошланғич тўлови 15 фоизлик имтиёзли кредитлар ажратиш** бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши билан биргаликда икки ой муддатда:

туман марказлари ва шаҳарларида Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишни;

фойдаланилмаётган давлат объектларини, шунингдек, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналаридаги объектларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга тўловсиз ижарага бериш тартибини жорий этишни таъминласин.

19. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Ўзбекнефтгаз” МХК ва “Ўзбектелеком” АКнинг “Yoshlar” телерадиоканали” АЖнинг 50 фоиз акцияларини Ўзбекистон ёшлар иттифоқига бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Адлия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда “Yoshlar” телерадиоканали” АЖ фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

20. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари ҳар ойда камида бир марта ёшлар билан очиқ мулоқотларни ўтказиб бориш амалиётини жорий этсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Қ. Қ. Қуронбоев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 5 июль

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёшларни маънавий етук ва жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Шунга қарамасдан, ёшлар ҳаётидаги энг долзарб масалалар, айниқса, уюшмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун шароит ва имконият яратиш, уларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш бўйича олиб борилган ишлар талаб даражасида эмаслигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Жойларда, авваламбор, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқариши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этишда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракатга айлана олмаганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Шу сабабли, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янги юксак сифат босқичига кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун — 30 июнь санаси мамлакатимизда “Ёшлар куни” сифатида нишонланади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқига 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифалар қўйилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, “Ёшлар — келажак бунёдкори” шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айланади.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ташкил этиш, натижаси бўйича таъсирчан чоралар кўриш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳуқуқий ва амалий ваколатлари кенгайтирилди, тегишли имконият ва имтиёзлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида Ёшлар сиёсати масалалари хизмати ташкил этилиб, унга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси раҳбарлик қилиши белгиланди.

Ёшлар сиёсати масалалари хизмати Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши фаолиятини самарали ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунида белгиланган вазифаларнинг тўлақонли ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг бу борадаги фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш, уларга ғоявий-услубий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, соҳага оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш каби вазифаларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўз лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси ҳисобланади.

Фармонда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига юклатилган вазифаларни амалга оширишда яқиндан кўмаклашиш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни талабларини ҳаётга тўлақонли жорий этиш ва назорат ўрнатиш мақсадида Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши ташкил этилди.

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари раислигида Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идоралараро кенгашлар фаолият юритади.

Буюк давлат арбоби соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлиб хизмат қилишини инобатга олиб, республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига “Темурбеклар мактаби” номи берилади.

Ёшларнинг илмий ва ижодий фаолияти натижаларини, илм-фан ва адабиётга бўлган қизиқишларини ҳамда ёшлар сиёсатига оид муҳим янгиликларни кенг ёритиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг нашрларини чоп этишга ихтисослашган “Ёшлар нашриёти уйи” ташкил этилади. Қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, истеъдод ва қобилиятини юзага чиқариш, улар орасида ҳақиқий етакчиларни тарбиялаш ишларини янада кучайтириш мақсадида “Қизларжон” журнали таъсис этилади.

Фармонга кўра, ёшларда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган “Мен севиб ўқиган китоб” ва “Энг яхши китобхон” республика танловлари, “Китоб байрами” ва “Болалар китоблари” анъанавий республика фестиваллари, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик ҳиссини қарор топтиришга қаратилган акциялар, ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, адабиётшунос олимлар билан ижодий учрашувлар ва мастер-класслар тизимли ташкил этилиши белгиланди.

Шу билан бирга, 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида “катта етакчи” ва “тўгарак раҳбари” штат бирликларини тугатиш ҳисобига лавозим маоши юқори синф ўқитувчисига тенглаштирилган “ёшлар етакчиси” штат бирлиги жорий этилди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида “ёшлар етакчиси” вазифаси юклатилган ходимга ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан олий маълумотли ўқитувчи базавий тариф ставкасининг 50 фоизи миқдорида ҳар ойлик устама белгиланади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қошида ёшларнинг хоҳиш ва интилишларидан келиб чиқиб, ёшлар уюшмалари ҳамда ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш марказлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилиши Фармонда белгилаб берилган.

Юртимизда турли соҳа ва тармоқларда юксак натижа ва ютуқларга эришаётган йигитларни тақдирлаш мақсадида “Мард ўғлон” давлат мукофоти, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ўқиш, меҳнат ва жамоат ишларида ҳар томонлама фаол иштирок этаётган ёшларни тақдирлаш мақсадида “Келажак бунёдкори” медали таъсис этилади.

Фармонда 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб кичик бизнес корхоналари томонидан тўланадиган ягона солиқ тўлови учун ҳисобланган сумманинг 8 фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилиши белгиланди.

Таълим муассасасини тамомлаганига уч йил бўлмаган, биринчи марта ишга қабул қилинган ёшларга даромад солиғини биринчи йил учун 50 фоиз, иккинчи ва учинчи йиллар учун эса 25 фоизга камайтириш, шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида турли фанлар, жумладан, чет тилларни ўргатиш, компьютер дастурларини тузиш ва тадбиркорлик асосларини ўқитиш мақсадида ташкил этиладиган шуъба корхоналарини 2027 йил 1 августга қадар барча солиқлардан озод этиш, бунда корхона ихтиёрида қоладиган сумманинг 20 фоизини Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш амалиёти жорий этилади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар кенгашлари раислари тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳисобланади ва мақоми бўйича уларнинг биринчи ўринбосарларига тенглаштирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси) бошлиғи Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси тавсияси асосида белгиланган тартибда лавозимга тайинланади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида 3 йил ва ундан кўп муддат давомида фаол ишлаб келаётган ходимларга уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитининг бошланғич тўлови, шунингдек, ташкилотнинг фаол аъзоси бўлган олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратура босқичлари талабаларига ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоиз ва ундан юқори бўлган тақдирда таълим бўйича тўлов контракти миқдорининг 35 фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.

Муҳим жиҳати шундаки, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида 2018 — 2021 йилларга мўлжалланган Ёшлар уйларини барпо этиш дастури ишлаб чиқилади. Мазкур дастурда барча йирик шаҳарларда — кўп қаватли, қишлоқ туманларида — 1-2 қаватли намунавий лойиҳалар асосида арзон уйлар ёшларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб қурилиши назарда тутилади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раисларини рағбатлантириш мақсадида уларга “Матиз” ва “Дамас” автомашиналарини харид қилиш учун 10 йил муддатгача мўлжалланган, бошланғич тўлови 15 фоизлик имтиёзли кредитлар ажратилади.

Республикамизнинг туман марказлари ва шаҳарларда Ёшлар тадбиркорлик кластерлари ташкил этилади.

Фойдаланилмаётган давлат объектларини, шунингдек, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналаридаги объектларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга тўловсиз ижарага бериш тартиби жорий этилади.

“Yoshlar” телерадиоканали” АЖ фаолиятини кучайтириш мақсадида унинг 50 фоиз акциялари Ўзбекистон ёшлар иттифоқига берилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари ҳар ойда камида бир марта ёшлар билан очиқ мулоқотларни ўтказиб бориш амалиёти жорий этилади.

# Ўзбекистон фуқаролари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш — бош мақсад

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

### Чет элдаги юртдошларимизга қулайлик яратилади

А. Комилов хорижий давлатлардаги юртдошларимизга қулайлик яратиш ва уларга консуллик-ҳуқуқий хизмат кўрсатишнинг шароит ҳамда тартибларини такомиллаштириш мақсадида аниқ амалий чора-тадбирлар кўрилаётганини маълум қилди. Аввалambор, қатор консуллик фаолиятида ватандошларимиз мурожаатларини кўриб чиқиш механизм ва муддатлари енгиллаштирилаяпти. Масалан, чет элда йўл ҳужжатлари йўқолган ҳамда Ватанга қайтиш учун гувоҳнома берилишини сўраб мурожаат этган аризачининг шахсини тасдиқлаш муддати 3 ойдан 7 иш кунига қисқартирилди. Хорижий давлатларда яшовчи ва ўз паспортларини биометрик ҳужжатга алмаштиришга улгурмаган фуқаролар учун эски паспортдан йўл ҳужжати сифатида фойдаланиш муддати 2018 йил 1 июлгача узайтирилди. Шу билан бирга, вазирлик ва хорижий ваколатхоналаримиз консуллик-ҳуқуқий фаолиятига хизмат кўрсатишнинг интерфаол усуллари жадаллик билан жалб этилаётир. Бугунги кунда фуқароларимизга "Интерфаол консуллик хизматлари" портали орқали 12 турдаги консуллик хизмати кўрсатилмоқда. Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистонга кириш визасини олишни расмийлаштириш учун 5 та тилда "E-Visa" интернет портали яратилди.

### Меҳнат миграцияси — асосий эътиборда

Ҳеч кимга сир эмаски, глобаллашув даврида одамларнинг дунё бўйлаб оммавий ҳаракатланиши кўплаб давлатлар, шу жумладан, юртимиз учун ҳам одатий ҳолга айланди. Ватандошларимиз хорижга меҳнат қилиш, таҳсил олиш, бизнес ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва сайёҳлик мақсадларида бораяпти.

Вазирнинг айтишича, фақат Россия Федерациясининг ўзида 1,7 миллион ўзбекистонлик бор. Фуқаролардан келиб тушган шикоятларни таҳлил этиш асосида ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Россиянинг Санкт-Петербург, Қозон, Ростов-Дон, Екатеринбург, Владивосток шаҳарларида консуллик ваколатхоналарини очиш чоралари кўрилмоқда. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига давлат ташрифи чоғида имзоланган иккита ҳукуматлараро келишув — Россия ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун фуқароларимизни ташкилий равишда тўплаш ва жалб этиш ҳамда миграция масалаларига масъул органларнинг икки тарафлама ваколатхоналарини ташкил қилиш тўғрисидаги битимлар фавқулодда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳужжатлар устида ўн йил давомида иш олиб борилди. Ҳозирги кунда мазкур ҳужжатларни ратификация қилиш жараёнлари кетаётир.

Мамлакатимизнинг Россиядаги элчихонаси вакили Равшан Алимовнинг қайд этишича, ушбу мамлакатда 43 мингдан ортиқ фуқаролар консуллик рўйхатига олинган. Жорий йилда юртдошларимиз билан ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида ташкилий, ҳуқуқий, техникавий чоралар кўрилди. Жумладан, турли шаҳарларда сайёр учрашувлар ташкил қилиниб, уларга 4 минг нафар ҳамюртимиз қамраб олинди. Президентимиз Россияга давлат ташрифи доирасида эришилган битимлар меҳнат мигрантларининг ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиради, айни пайтда иш берувчилар мажбуриятларини аниқ белгилаш орқали уларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади. Бугунги кунда элчихона томонидан фуқаролар қабулини енгиллаштириш, электрон навбатни жорий қилиш чоралари кўрилаяпти.

Мулоқотда хорижий мамлакатларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз томонидан ушбу масала юзасидан қатор саволлар берилди. Жумладан, 2009 йилдан бери АҚШнинг Вашингтон шаҳридаги Жаҳон банки офисида ишлайдиган Нодир Зокиров мамлакатимиз ваколатхоналарида аксарият ҳужжатларни ҳал этишда Ташқи меҳнат миграцияси рухсатномаси бўлмаслиги сабабли турли муаммоларга дуч келаётганини, бунда қандай енгилликлар борлигини сўради.

Маълумки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, фуқароларимиз хусусий меҳнат контрактлари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга фақат Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича чиқиш ҳуқуқига эга. Мазкур агентлик директори вазифасини вақтинча бажарувчи Х. Асамовнинг таъкидлашича, 2017 йилнинг март ойидан бошлаб рухсатнома идоралараро тартибда эмас, агентлик томонидан бериладиган бўлди. Бу жараён 30 иш кунидан 5 иш кунига қисқартирилди. Агентлик томонидан истиқболда аҳолидан келиб тушаётган мурожаатларни инобатга олган ҳолда, рухсатномани онлайн режимга ўтказиш чораси кўрилмоқда.

Вазирлик раҳбариятининг қайд этишича, бундан ташқари, хорижий давлатлардаги бир қатор консулхоналарда ходимлар сонини кўпайтириш режалаштирилган.

### Ташқи сиёсатда устувор мезон

Мулоқотда нафақат ватандошларимиз дуч келаётган саволларга жавоб қайтарилди, айни пайтда мамлакатимизнинг бир қатор халқаро масалалар юзасидан позицияси баён қилинди. Қайд этилганидек, Ўзбекистон ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш асосида хорижий давлатлар, энг аввало, қўшни мамлакатлар, қолаверса, халқаро институтлар билан яқиндан ҳамкорликни бугунги кун талаблари даражасида давом эттираётир. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепциясида белгилаб қўйилганидек, ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, бошқа давлатлар ҳарбий базалари ва объектлари Ўзбекистон ҳудудида жойлашишига, шунингдек, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида бўлишига йўл қўймаслик, илгаригидек, давлатимизнинг қатъий сиёсий позицияси бўлиб қолади.

Халқаро пресс-клубда, шунингдек, Хитой Халқ Республикаси томонидан илгари сурилган "Бир макон, бир йўл" концепцияси Ўзбекистонга нима бериши ҳақида сўз юритилди. А. Комиловнинг билдиришича, Ўзбекистон — Хитой ўртасида икки томонлама алоқалар жадал ривожланиб бормоқда. Бунда Стратегик шериклик тўғрисидаги шартноманинг аҳамияти ниҳоятда катта. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг яқинда Хитойга амалга оширган давлат ташрифи доирасида жуда муҳим ҳужжатлар, шартномалар имзоланди. Икки мамлакат ўртасида ҳеч қандай сиёсий муаммолар йўқ. "Бир макон, бир йўл" концепцияси ҳақида гапирганда, шуни қайд этиш кераkки, ушбу ташаббус биз учун аниқ лойиҳаларни кўзда тутади. Улар иқтисодий, тижорат, савдо, транспорт соҳаларини қамраб олади. Мазкур концепция асосида бизга муайян лойиҳалар таклиф қилинади, уларни чуқур ўрганиб, хулосага келишимиз керак. Агар бизнинг манфаатларимизга жавоб берса, иштирок этамиз", деди вазир.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Афғонистонда тинч-осойишта ҳаётни тиклаш бўйича афғон халқи ва халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини қатъий қўллаб-қувватлайди. "Ўзбекистон атрофида тинчликни қарор топтириш Президентимиз олиб бораётган ташқи сиёсатнинг асосий мақсадларидан бири. Қўшни мамлакатлар, шу жумладан, Афғонистон билан келажакни ўйлаб, стратегик нуқтаи назардан муносабатларни ривожлантираяпмиз. Ўзбек халқи — тинчликсевар халқ", деди А. Комилов.

Учрашувда терроризмнинг ватани йўқлиги, бу хавфдан ҳеч ким ҳимояланмагани айтиб ўтилди. Ўзбекистон бу борада халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда иш олиб бориши таъкидланди.

### Ўзбек диаспораси билан фаол иш олиб борилади

Мулоқотда хорижда яшаётган ўзбек диаспоралари билан биргаликда юртимизнинг нуфузини ошириш, миллий маданиятимизни, қадриятларимизни тарғиб қилиш, жумладан, улар орасида ўзбек тили ўргатилишига эътиборни кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда турли маданий ва байрам тадбирларини ўтказишда ўзбек диаспораси билан фаол иш олиб борилаётгани қайд этилди.

Лондонда яшаётган ҳамюртимиз Одилбек Исоқов ўз видеомурожаати орқали ўзбекистонликлар фарзандлари учун шанба куни ўзбек тилида дарс берадиган мактабни ташкил қилишаётганини, бунинг учун керакли бўлган дарслик, қўлланмалар билан таъминлаш масаласида амалий ёрдам кўрсатишларини сўради. Мулоқотда, ўз навбатида, бундай ташаббуслар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши айтиб ўтилди. "Биз, албатта, фахр билан ёрдам берамиз. Чунки ўзбек тилининг бутун дунёда тарқалиши тилимизнинг обрўси, Ўзбекистонимизнинг имижи ҳисобланади", деди вазир. Ушбу масалада амалий чоралар кўриш учун мутасаддиларга тегишли топшириқ берилди.

Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида чет элларда ўқиётган, меҳнат қилаётган ёшлар билан иш олиб борадиган, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялайдиган бир ташкилот тузиш кераклигини қайд этган эди. Бу таклиф ҳаётга татбиқ қилинадиган бўлса, ушбу йўналишдаги ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқилиши иштирокчилар томонидан таъкидланди.

Мулоқотда, шунингдек, консуллик ҳисобига қўйиш, фуқаролик, ҳужжатларни расмийлаштириш, элчихоналар фаолияти самарадорлигини ошириш ва халқимизни ўйлантираётган бошқа масалалар юзасидан атрофлича мулоҳаза юритилди.

**Қобил ХИДИРОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

# Парламент аъзолари аралашуви билан муаммолар ҳал бўлди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Улар кўпи билан уч кунда мактабгача таълим муассасасига ишга жойлаштиришларини маълум қилишди.

Аҳолининг кундалик турмуши билан боғлиқ бундай масалаларнинг аксарияти жойларнинг ўзида ечиб берилаётганидан одамлар мамнун. Бироқ ҳақли савол туғилади: мураккаб бўлмаган ҳамда маҳаллий бошқарув идоралари ва тегишли тузилмалар раҳбарлари ваколатига кирадиган шу каби вазифаларни ҳал этиш учун Олий Мажлис аъзолари аралашувини кутиб ўтириш шартмиди?

— Туман қишлоқларида бўлган чоғимизда барча маҳалла, корхона, ташкилот ва муассасаларда энг улуғ, энг азиз байрамимизга ҳозирлик қизғин бошлаб юборилганлигига гувоҳ бўлдик, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шуҳрат Тўхтабоев. — Бундай ободонлаштириш ишларида аҳоли, жумладан, ёшлар фаоллик кўрсатишаяпти. Натижада кўчалар, йўл бўйлари, ҳовлилар саранжом-саришта қилинмоқда.

Очиқ мулоқот давомида одамлар муаммолардан ташқари, ўз таклиф ва мулоҳазаларини ҳам ўртага ташламоқдалар. Уларнинг кўпчилигини янги меҳнат ўринлари яратиш, ёшлар тарбияси билан боғлиқ масалалар ташкил этади. Масалан, тадбиркор Адҳам Мирабдуллаев асаларичиликни ривожлантириш бўйича бизнес режасига эга. У давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятига сафари чоғида ушбу соҳада намойиш қилинган лойиҳалардан ҳайратга тушганлигини билдирди. Бинобарин, у тез кунлар ичида қўшни вилоятга бориб, ҳамкасбларининг иш тажрибасини ўрганиб қайтиш ниятида.

— Парламент аъзоларининг туманимизга ташрифи ишларимизни янада такомиллаштириш, хусусан, депутатлар фаоллигини ошириш бўйича қатор вазифаларни ўртага қўймоқда, — дейди туман Кенгаши депутати Дилфуза Ботирова. — Ўрганишлар якунига бағишланган сессияда шулар юзасидан аниқ чора-тадбирларни белгилаб оламиз. Бу фаолиятимиз янада самарали бўлишига хизмат қилади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

## ЭЪЛОН

### Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентини яқиндан билган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва хорижий давлатлар фуқароларидан Ислом Каримовнинг ҳаёти ҳамда фаолияти билан боғлиқ хотиралари акс этган ёзма, фото ва видеоматериалларни қабул қилиш тўғрисида

Буюк давлат арбоби, ўз ҳаётини мустақил давлатимиз қурилиши ва шаклланишига, унинг жаҳондаги мавқеини мустаҳкамлашга бағишлаган, юртимиз ва халқаро майдонда катта обрў қозонган Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш, шунингдек, унинг меросини оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуа томонидан Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентини яқиндан билган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва хорижий давлатлар фуқароларидан Ислом Каримовнинг ҳаёти ҳамда фаолияти билан боғлиқ хотиралари акс этган ёзма, фото ва видеоматериалларни қабул қилиш давом этмоқда.

Материаллар қуйидаги манзил бўйича юборилиши мумкин:

100163, Тошкент шаҳри, Афросиёб кўчаси, 1/1-уй.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуа.

Маълумот учун телефон: (0-371) 239-52-27.

Электрон почта манзили: immm@umail.uz, majmua@umail.uz

# Инновацион технологиялар

## тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш имконини беради

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кеча пойтахтимизда "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти томонидан тўқимачиликни ривожлантириш, ҳудудларда инвестициявий лойиҳаларни бажариш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш масаласига бағишлаб ташкил этилган матбуот анжуманида шу хусусда сўз юритилди.

Бугунги кунда жамият таркибида 450 дан зиёд тўқимачилик, тикув-трикотаж корхоналари фаолият юритаётган бўлиб, улар йилига 590 минг тоннадан ортиқ калава ип, 485 миллион квадрат метр газлама, 103 минг тонна трикотаж мато, шунингдек, 132 миллион жуфт пайпоқ ҳамда 660 миллион дона тайёр буюм ишлаб чиқариш қувватига эга. Бироқ бу мавжуд имконият даражасида эмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан тизимга янгича бошқарув ва ишлаб чиқариш усулларини жорий этиш, ташқи бозорда рақобатдош маҳсулотлар тайёрлашни кўпайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш борасида вазифалар қўйилаётганининг боиси ҳам шунда.

— Президентимизнинг 2016 йил 21 декабрдаги қарорига биноан, 2017 — 2019 йилларда республикада енгил саноатни ривожлантириш дастури қабул қилинган, — дейди "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти бошқармаси бошлиғи Санжар Тўхтаев. — Унинг доирасида умумий қиймати 2,2 миллиард долларлик 132 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Жорий йилнинг ўтган даврида ушбу лойиҳалардан тўққизтаси рўёбга чиқарилиб, Наманган, Сурхондарё, Жиззах, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида замонавий корхоналар ишга туширилди.

Шу билан бирга, қиймати 600 миллион долларлик 60 га яқин қўшимча лойиҳалар ишлаб чиқилиб, уларнинг ҳам ижросини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилаётир. Буларнинг барчаси яқин уч йил мобайнида енгил саноат тизимида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3,7 баробар, экспорт миқдорини эса деярли 2 баробар ошириш, 27 мингта иш жойи яратишга мустаҳкам пойдевор бўлади.

Яна бир янгилик. Жорий йилдан эътиборан тўқимачилик кластерларини бунёд этишга киришилди. Унинг ўзига хос жиҳати шундаки, пахта етиштириш, толани қайта ишлашдан тортиб то тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришгача бўлган барча жараённи тўлиқ қамраб олади. Бундай замонавий мажмуаларни Бухоро, Навоий, Сирдарё ва Андижон вилоятларида барпо қилиш учун инвесторлар жалб этилди. Жумладан, Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида қурилаётган тўқимачилик кластерида 50 миллион доллар миқдоридаги инвестиция ўзлаштирилади. Корхона 2018 йилнинг охирги чорагида тўлиқ ишга тушади.

Анжуманда бошқа тўқимачилик кластерлари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

### Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ахбороти

Жорий ўқув йилида 9-синфни битирган ўқувчилар ота-оналари ва ўзларининг хоҳишларига кўра, онгли равишда касб-ҳунар коллежи, академик лицей ёки ўзлари таълим олган мактабларда мажбурий таълимни давом эттирадилар.

***Халқ таълими вазирлиги Ахборот хизмати.***

# ОЛИЙ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТЕСТ СИНОВЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тест синовидан мамнун ҳолда чиқиб келаётган йигит-қизларимизнинг мақсади аниқ: Ватанимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлашдек улуғ ишга хизмат қилиб, фарзандлик бурчини муносиб адо этишдир.

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртини танлаганлар ҳам ёшлар орасида кўпчиликни ташкил қилади.

Маълумотларга кўра, бу йил ушбу олий ҳарбий таълим муассасасига ҳужжат топширган абитуриентлар сафи кенг. Навқирон йигит-қизлар улкан орзулар йўлида машаққат чекиш, керак бўлса, шу йўлда жонбозлик кўрсатиш истагида.

— Ҳужжат қабул қилишда жисмоний кўрсаткичга, билим ва дунёқарашга алоҳида эътибор қаратилади, — дейди Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти бошлиғи ўринбосари, подполковник М. Кўчқоров. — Бизни қувонтиргани шуки, бу борадаги кўрсаткичлар аввалги йиллардагига қараганда анча юқори. Улар орасида ҳарбий йўналишдаги академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларини битирган, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, қисм қўмондонлиги тавсияномасини олган ёшлар кўплиги ҳам шундан далолат бериб турибди. Бу эса билим юртимизга ҳар жиҳатдан муносиб ёшлар қабул қилинади, деганидир.

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида абитуриентлар давлат тест синовини муваффақиятли топшириши учун зарур қулайликлар яратиб берилган. Зеро, бу ерда автомобиль бўлинмалари тактик қўмондонлиги, артиллерия қўшинлари тактик қўмондонлиги, фронт орти таъминоти тактик қўмондонлиги каби олти йўналиш бўйича



ЎзА суратлари.

Қуролли Кучларимиз учун юқори профессионал кадрлар тайёрлаб келинмоқда.

Маълумотларга қараганда, бу йил 3 минг 800 нафарга яқин ёшлар ушбу билим юртида ўқиш истагини билдирган бўлиб, шундан уч босқичли синовлардан муваффақиятли ўтган 1 минг 200 нафардан ортиғи якуний тест синовларида ўз билимини синаб кўрди.

— Болаликдан ҳарбийликка қизиқаман, шу боис Урганч ҳарбий лицейини муваффақиятли битириб, бу ерга ҳужжат топширдим, — дейди абитуриент М. Файзихонов. — Лицейда олган билимим дастлабки синовдан муваффақиятли ўтишим учун етарли бўлди. Бугунги тест синовлари ҳам кутган натижамни беришига умид қиламан.

Тест синовлари натижалари тез кунларда эълон қилинади.

***«Халқ сўзи» мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.***

# «Ал-Қомус» — луғатшуносликда янги саҳифа

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Имом Абул-Қосим Замахшарий, аллома Юсуф ас-Саккокий каби улуғ аждодларимиз араб тили равнақига улкан ҳисса қўшишган. Уларнинг асарлари ҳозирги кунга қадар бутун дунёда дарслик сифатида қўлланиб келинаётгани бизга катта фахр ва шараф бахш этади.

Имони бутун, ихлоси бенуқсон халқимизнинг араб тилига бўлган қизиқиши бирор-бир даврда асло камайган эмас. Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" рисоласида бу тил хусусида шундай деган: "Барчасидан араб тили фасоҳатойини била мумтоз ва балоғат тазйини била мўъжизатироздурким, ҳеч такаллум аҳлининг мунда даъвоси йўқтур ва сўзи сидқу иши таслимўктурким, Малики Аллом жалла ва алонинг каломи мўъжиз низоми ул тил била нозил ва Расул алайҳис-салавоту вас-саломнинг аҳодиси саодат анжуми ул лафз била ворид бўлубтур".

Араб лисонини ўрганиш ва ўргатишда, табиийки, махсус луғатларга эҳтиёж сезилади. Юртимизда ўрта асрларда ҳам арабча-туркийча ёки арабча-форсча луғатлар мавжуд бўлса-да, улар биринчидан қўлёзма, кўпи тошбосма тарзида бўлгани, иккинчидан, нусхаларнинг ўта камлиги, борлари ҳам фақатгина махсус китоб фондларида сақлангани сабабли толиби илмлар учун улардан фойдаланиш деярли имконсиз эди. Йигирманчи асрнинг ўрталаридан бошлаб араб тили ихлосмандлари рус шарқшуноси Х. Барановнинг "Арабско-русский словарь"идан фойдаландилар. Мазкур луғат икки ҳисса меҳнат талаб қилар, олдинига арабча сўзнинг русчаси топилиб, кейин русча-ўзбекча луғатдан ўша сўзнинг ўзбекчаси қидирилар эди. Кўпинча арабча сўзнинг бир нечта маъноси русча таржимасидан қай бирига мослиги, ҳар бир русча сўзнинг қай бири ўзбекча маъноси ўрганилаётган матнга алоқадорлиги аниқлагунича вақт йўқотилардиди, араб тилини ўрганишдан умидсизлик уйғонарди. 2001 йилга келиб, ушбу луғатнинг ўзбек тилидаги таржимаси амалга ошди. Бироқ Баранов луғати шўролар даври илм-фани маҳсули бўлганлигидан, унда араб тилининг асоси ва таг-томири Қуръони карим ҳамда аҳодиси набавиййа сўзлари, умуман, диний адабиёт истилоҳлари ҳамда классик давр адабиётига оид сўзлар эътибордан четда қолган эди.

Ниҳоят, истиқлол шарофати билан ўзбек шарқшунослигининг атоқли намояндаси, Мисрдаги Қоҳира араб тили академияси аъзоси, кўплаб халқаро мукофотлар совриндори, филология фанлари доктори, профессор Неъматуллоҳ Иброҳимов ҳамда у киши раҳбарлиги остида бир неча арабшунос олимларнинг меҳнат маҳсули ўлароқ 100 мингдан ортиқ сўз ва ибораларни ўз ичига олувчи "Ал-Қомус: арабча-ўзбекча қомусий луғат" деб номланган 4 жилдли мукаммал луғат тузилди. Унинг биринчи жилди нашрдан чиқиши 2017 йил муборак Рамазон ҳайитига туҳфа бўлди.

Ал-Қомус луғатини тузишда муаллифлар, аввало, Халил ибн Аҳмаднинг "ал-Айн", Жавҳарийнинг "ас-Сиҳоҳ", Ферузободийнинг "ал-Қомус ал-муҳит", Ибн Манзурнинг "Лисон ал-араб" асарлари каби асл арабча манбаларга, "ал-Муъжам ал-васит", "ал-Муъжам ал-кабир", "Муъжам матн ал-луға", "Муъжам ал-луғат ал-арабиййа-л-муосира" каби замонавий луғатлар ҳамда Лейн, Илйас, Бело, Гиргас каби инглиз, француз, рус ва бошқа тиллардаги таржима луғатларига таянган. Луғатнинг тузилиши ҳам бошқа қўлланмаларга қараганда янгича, фойдаланишга ўта қулайлиги билан диққатга сазовор. Сўзларнинг маъноси янада равшан бўлиши учун берилган мисолларнинг соф арабча экани, мақол, матал, шеърий намуналарнинг кўплиги кишининг завқини оширади. Берилган мисол ва иқтибосларнинг ўзбекча таржимаси ҳам ғоят нафис ҳамда аниқлиги тузувчиларнинг ишга қанчалар ихлос ва самимият ила ёндашгани, ўз ишининг нақадар пухта билимдонлари эканига яна бир гувоҳи содиқдир.

Ал-Қомус — қомусий луғат, унда тарихий шахслар, жуғрофий номлар, уларнинг аталиш сабаблари, кўплаб ўсимлигу ҳайвонларнинг ўзбекча муқобиллари билан биргаликда илмий номлари ҳам берилганки, бу турли илм-фан вакилларида ҳам қизиқиш уйғотади.

Муаллифларнинг узоқ йиллар давомида машаққатли, айни пайтда ўта масъулиятли ишни ўз зиммаларига олиб, илм аҳли, тадқиқотчилар, талабалару маърифат ихлосмандлари хизматига бундай катта ва мукаммал луғатни тузиб, нашр этганлари ҳар қанча эътироф ва таҳсинга сазовордир.

**Усмонхон АЛИМОВ,**
***Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.***

